

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ДЎСТЛАРИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!



СССР СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 256 (19.332).

1985 йил 7 ноябрь, пайшанба

Баҳоси 3 тийин.

Ленин байроғи остида,
Коммунистик партия
раҳбарлигида-коммунистик
бунёдкорликда янги
ғалабалар сари, олға!



Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллигига бағишлаб Кремлнинг Съездлар саройида ўтказилган тантанали мажлис.

В. Кругликов ва В. Парадин фотоси.

ИНҚИЛОБ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНАДИ

МОСКВА

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг оламшумул аҳамиятга молик ҳал қилувчи тарихий воқеа бўлди. Ленин партияси раҳбарлигида амалга оширилган Октябрь революцияси жаҳон тараққиётининг бош йўналиши ва асосий тенденцияларини белгилаб берди. Улуғ Октябрь капитализмнинг ўрнига янги, коммунистик формация келадиган енгилмас жарённинг бошланишига асос солди.

Мамлакатимиз мана шу шонли сана — 1917 йил 7 ноябрдан бошлаб катта ва қаҳрамонона йўлни босиб ўтди. Коммунистик партия совет халқини қомил ишловчи бунёдкорлик ва тинчлик йўлидан бошлаб бормоқда.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати, экономика, социал ва сиёсий соҳалар, фан ва маданиятда эришилган катта муваффақиятлар СССРни ривожланган социализм босқини очиб берган тарихий марраларга олиб чиқди. КПССнинг янги тахрирдан Программаси лойиҳасида таъ-

кидланганидек, кун тартибидеда социалистик жамиятни ҳар томонлама ва бутун чоралар билан такомиллаштириш, унинг имкониятлари ва афзалликларида гоят тўлиқ ва самарали фойдаланиш вазифаси турибди.

Марксизм-ленинизм, пролетар интернационализм принциплари содиқ бўлган Совет Иттифоқи социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан қардошлиқ иттифоқида дадил олға бормоқда. Совет кишилари истиқболга қомил ишловчи билан қармоқда. Ижодкор халқ—бунёдкор халқ Ленин партияси ўртага қўйган вазифаларини қатъият билан ва изчил амалга оширмоқда.

6 ноябрь кўни пойтахт корхоналарининг илгорлари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жаңгилари, Москва атрофи меҳнаткашлари, вакиллари кўтаринки, байрам кайфиятида Кремлнинг Съездлар саройига тўпланган. Бу ерда халқ депутатлари Москва шаҳар Совети билан КПСС Москва шаҳар комитетининг Улуғ Октябрнинг 68 йилли-

гига бағишланган тантанали мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис ахли М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воронников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, Н. В. Талкин, Б. Н. Ельцин, Л. Н. Зайков, М. В. Зиминин, И. В. Капотов, В. П. Никонов, К. В. Русаков ўртоқларни гулдўроқ давомли қарсақлар билан кутиб олди.

Президиумда Эфиопия Ишчи партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий-маъмурий кеңашининг Раиси Менгисту Хайле Мариам, ФРЕЛИМО партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, Мозамбик Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Ж. Чиссано ҳам бор эди.

Залда кўпгина ажнабий меҳмонлар, чет эллик дипломатлар ҳозир бўлишди. Тантанали мажлиси Москва шаҳар Совети Ижроия

комитетининг раиси В. Ф. Промислов очди.

Мажлис қатнашчилари «Октябрь байроғи остида — социализмни такомиллаштиришнинг янги марралари сари» мавзусида доклад қилган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. М. Чебриковни самимий кутиб олдилар.

Доклад зўр эътибор билан тинглади ва бир неча марта давомли қарсақлар билан бўлиниб турди.

Тантанали мажлис тугади. Зал гўмбазлари остида Совет Иттифоқи Гимни садолади янгради.

Сўнгра байрам концерти бўлиб ўтди. Концерт зўр муваффақият билан ўтди. Концертда Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарлари ҳозир бўлишди.

Иттифокдош республикаларнинг пойтахтларида, мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллигига бағишланган тантанали мажлислар бўлиб ўтди.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ

Улуғ Октябрнинг сўнас ёдуси Совет Ўзбекистон меҳнаткашларининг бахтиёр келажига йўлни нурафшон қилди. Республикаси тарихан қисқа муддат ичда асрларга тенг йўлни босиб ўтди. Шаҳар ва қишлоқлар умумхалқ байрамини қирмиш байроқлар, лоларанг транспарантлар билан кутиб олмақда.

6 ноябрь кўни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш Улуғ Октябрнинг 68 йиллигига бағишланди. В. И. Ленин номи СССР Халқларни дўстлиги саройи байрамона безатилган. Партия ветеранлари, республикада Совет ҳокимиятини ўрнатитиш учун кураш иштирокчилари, ишлаб чиқариш илгорлари ва новаторлари, фан ва маданият арбоблари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи жаңгилари бу ерга келишди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. Ф. Сагини очди.

Йиғилиш қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини баланд руҳ билан

фахрий президиумга сайлашди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшнилари кўмондони генерал-полковник Н. И. Попов Улуғ Октябр социалистик революциясининг 68 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида КПСС билан Совет ҳукуматининг доимий ҳамхўрлиги тўғрисида Ўзбекистон социал ва иқтисодий тараққиётида катта ҳуқуқларни эгаллади, деб таъкидланди йиғилишда. Республиканинг революцион анъаналар руҳида тарбияланган шонли ўғил ва қизлари фашистлар Германияси устандан бундан қирқ йил муқаддам қозонилган Буюк Ғалабага салмоқли ҳисса қўшдилар, тинч меҳнатда ҳам оммавий қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча халқларнинг қардошлиқ оиласида тенгларнинг тенги бўлган Совет Ўзбекистони қудратли индустрияга, ривожланган қишлоқ ҳўжалигига, илмий баага эга бўлиб, ана шу баа негизда гоят мураккаб вазифаларни бажаришга ҳам қўйишди. Совет Ўзбекистони бутун оламга

машҳур адабиёт ва санъатга эгадир. Яратувчиллик меҳнати натижасида шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси тубдан ўзгарди, халқ турмушининг фаровонлиги узлуқсиз юксалмоқда.

КПСС XXVII съезидига тайёргарлик, КПССнинг янги тахрирдан Программаси, КПСС Устави (тақлиф этилган ўзгаришлар билан) СССРни 1986—1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари лойиҳаларини маъқуллаган КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил октябр Пленуми якуни лари совет кишиларининг ижодий ва меҳнат активлигини жўш урдириб юборди. Республика ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлари, халқ энгилари партия амалга ошираётган йўлни—фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг жорий қилиш негизида мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш йўлини қизгин маъқулламоқдалар. Улар КПСС ва Совет давлатининг тинчликни сақлаш, ядро ҳавфини барқарор этишга қаратилган ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Ўзбекистон меҳнаткашлари ўз сафларини Ленин партиясининг Марказий Комитети те-

варатига янада маҳкамроқ жипслаштириб, Илчй васити билан астойдил содиқликларини, коммунистик бунёдкорлик ишига қўшадиган ҳиссаларини янада қўлайтиришга азму-қарор қилганликларини изҳор этмоқдалар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолари ва аъзоликка қандидатлари И. Б. Усмонов, Р. Х. Абдуллаева, Е. А. Айтмутов, В. П. Анишев, Г. Х. Қодиров, В. К. Михайлов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Х. А. Шогазатов, Т. А. Алимов, В. А. Головин, Н. М. Махмудова, В. А. Хайдуков, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, И. Х. Жўрабеков, Р. З. Захриддинов, С. У. Султонова, В. И. Огарок, И. Қурбанов қатнашдилар.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари Коммунистик партия ва дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосини Владимир Ильич Ленин ҳайкали пойига туллар қўйдилар.

(ЎзТАГ).

ОКТАБРЬ БАЙРОҒИ ОСТИДА—СОЦИАЛИЗМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ САРИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллигига бағишлаб 1985 йил 6 ноябрда Кремлнинг Съездлар саройида ўтказилган тантанали мажлисда

В. М. ЧЕБРИКОВ ДОКЛАДИ

Ўртоқлар!

Россия пролетариати олмиш санкиш йил муқаддам Ленин партияси раҳбарлигида энг камбағал деҳқонлар билан иттифок бўлиб келажакка зафарона ёриб ўтди. Оламшумул-тарихий аҳамиятга молик воқеа — Улуғ Октябрь социалистик революцияси содир бўлди.

Октябрь революцияси — социал адолат революциясидир. Бу революция, меҳнат ахли энг азгу орзу-умидларининг, озодликка, тенгликка, бахт-саодатга интилишнинг мужассам ифодаси бўлди. Одам-одамини эксплуатация қилиш, социал ва миллий ҳуқуқсизлик, инсизлик ва сарвотсизлик ўтмишда абадий қолиб кетди. Тарихда илк бор шундай давлат бунёдга келди, уни меҳнаткашларнинг ўзлари бошқармоқдалар, бу давлатда бирлашган барча халқларнинг дўстлиги мустаҳкам қарор топти.

Октябрь революцияси — бунёдкорлик, халқ бахт-саод

дати йўлидаги бунёдкорлик революциясидир. Бу революция меҳнати билан бевосита бойлик яратётган кишиларни ишлаб чиқариш воситаларининг чинакам ҳўжайинлари қилиб, миллионларнинг истеъдоди ва тайрат-шижоатини янги жамиятнинг моддий-техника базасини барпо этишга қаратди.

Октябрь революцияси — кишилар онгидида чинакам революциядир. Бу революция меҳнат ахлининг эркин ташаббускорлиги нақадар катта имкониятларга эга эканлигини, коллективчилик ва ўртоқликда, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализмида, жамиятнинг маънавий-сиёсий бирлигида нақадар қудратли куч борлигини яққол кўрсатди.

Октябрь революцияси — тинчлик манфаатлари йўли

даги революциядир. Урушга қарши, халқлар ўртасида тинчлик учун кураш ёш Совет ҳокимиятининг биринчи Декрети билан бошланган эди. Октябрь ғалабаси, Ленин сўзлари билан айтганда, урушларни йўқ қилиш ишининг биринчи ғалабаси ҳам бўлган эди.

Октябрь революцияси тўғрисида рўй берган кетма-кет ўзгаришлар планетанинг социал қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Жаҳон социализм системаси вужудга келди. Мустамлакачилик империялари емирилди. Жаҳоннинг сиёсий ҳаритасида ўнлаб ёш мустақил давлатлар пайдо бўлди.

Октябрь революцияси тарихнинг нотаниш йўлидан борган. Биринчи беш йилликларнинг индустриал гигант корхоналарини барпо этган, коллектив қишлоқ

ҳўжалиги асосларини яратган, Улуғ Ватан урушида қаттиқ туриб ғалаба қозongan, душман вайрон этган хўжаликни қайта тиклаган, Сибирь ва Узоқ Шарқнинг табиий бойликларини ўзлаштирган, биринчи Ер йўлошларини космик орбиталарга чиқарган кишиларнинг зафарларида яшамокда. Революция социалистик жамиятни такомиллаштираётган, коммунизм барпо этаётган совет кишиларининг ишлари ва фикр-ўйларида давом этмоқда.

Ҳозир Октябрнинг новаторлик руҳи, қарийб етмиш йил мобайнида тўпланган тажриба бош сиёсий ҳужжатимиз — янги тахрирдан партия Программасида мужассам ифода этилган.

Авлодлар алоқаси, уларнинг революцион давомийлиги бундан буюн ҳам мустаҳкамланаверсин. Октябр ғоялари ва иши асрлар бўйи яшайверишининг гарови мана шундадир!

қаттиқ йўлдан бормоқда. Новаторлик, ижодий ташаббускорлик, дадил изланиш йўлидан бормоқда. Камчиликларни тўғридан-тўғри ва принципал танқид қилиш учун кенг имконият очилди.

Мана шуларнинг ҳаммаси сиёсий активлик ва меҳнат рағбатини жўш урдириб, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезиди арасида партия ва мамлакатдаги муҳитни белгилаб бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев қўйган дағиларни таъкидлайди: «Партия олға сурган вазифалар ақтуал, мураккаб ва кенг миқёсдир. Биз улар тўғрисида рўй-рост ва амалий тарзда гапириб ўтириш йўналишда катта қадам қўйдик, мамлакатнинг тарихий миқёсдаги силжисини амалга оширишга йўлайдиган тадбирларни белгиладик. Булар муносиб мақсадлар бўлиб, уларга эришиш учун кучини ҳам, билимларини ҳам, меҳнатини ҳам аямаса арзийди».

(Давоми иккинчи бетда).

ЛАУРЕАТЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ва Бутунитифок касса союзи Марказий Совети ҳузуридаги Фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитети тақдирларини қўриб чиқиб, Бутунитифок социалистик мукофоти билан 1985 йили СССР Давлат мукофотларини беришга қарор қилди. Мукофотланганлар орасида республикамиздан қуйидагилар бор:

АЗАРЯН Нерсес Нико-

«Мубарекгазпромстрой» трести монтажчилар бригадаси бошлиғи. У меҳнатда юқсак кўрсаткичларга эришганлиги, нефть ва газ қазиб олиш суръатларини яддаллаштиришга қўшган катта шахсий ҳиссаси учун лауреат бўлди.

КОРОБОВ Виталий Алексеевич, Ўзбекистон гидрометеорология ва табиий муҳитни контроль қилиш

республика бошқармасининг катта инженер. У меҳнатда юқсак кўрсаткичларга эришганлиги, темир йўл ва ҳаво транспортидан фойдаланиш самардорлигини оширишга қўшган катта шахсий ҳиссаси учун СССР Давлат мукофоти сазовор бўлди.

ТУРДИМУРАТОВ Айтоб, Навоий область Учқудуқ районидagi «Мингбулоқ» совхозининг бош чўпони. У меҳнатда юқсак ишлаб чиқариш кўрсаткичларини қўлга киритганлиги ҳамда фан ютуқлари, илгор практика ва меҳнатни ташкил этишнинг янги формаларидан самарали фойдаланиш негизда аъло сифатда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни қўлайитиришга қўшган катта шахсий ҳиссаси учун СССР Давлат мукофоти сазовор бўлди.

ХАФИЗОВ Саври. Бухоро область, Вобkent районидagi «Зарафшон» колхозини пахтачилик бригадасининг бошлиғи. КАМОЛОВ Аҳмаджон, Наманган область, Тўраўрғон районидagi «Шарқ юлдузи» колхозини пахтачилик бригадаси бошлиғи. Улар меҳнатда юқсак натижаларга эришганликлари, индустриал технологияни жорий қилиш асосида пахта етиштиришга барқарор ўстиришни таъмин-

лашганликлари, меҳнат унмдорлигини оширганликлари ҳамда маҳсулот таннархини арзонлаштирганликлари учун лауреатлар бўлишди.

ШОКИРОВ Соттибой, Андижон область, Комсомол ошод районидagi «СССР 50 йиллиги» совхозининг тракторчи-машинисти. У меҳнатда юқсак кўрсаткичларини қўлга киритганлиги, қишлоқ хўжалик техникасидан юқори самара билан фойдаланганлиги ҳамда агрохиями ишларини сифатли бажарганлиги учун СССР Давлат мукофоти лойиқ кўрилди.

ПАХТАКОРЛАР МЕХНАТ ВАХТАСИДА

МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ПАХТАКОРЛАРИ ЙИЛЛИК ПАХТА ТАЙЕРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИЛАР. ДАВЛАТ ҚАБУЛ ПУНКТИЛАРИГА 412 МИНГ ТОННАДАН Ортиқ «ОҚ ОЛТИН» ЖУНАТИЛДИ.

Эришилган меҳнат ютуғига ғалаба, янгийул, чиноз, коммунистик, ПИСКЕНТ, УРТА ЧИРЧИК, БУКА РАЙОНЛАРИ ЗАРШУНОСЛАРИ САЛМОҚЛИ ХИССА ҚУШДИЛАР. ПАХТА ТЕРМИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

СИРДАРЕ

Ворошилов райони меҳнаткашлари областда биринчи бўлиб ғалаба манзилига етиб келдилар. Қабул пунктларида 48200 тонна қўнқ пахта етказиб берилди. Шунинг 39 минг тоннадан кўпроғи «зангори кема»лар бункеридан тўқилди.

Хар гектар ердан 35—36 центнердан хирмон кўтарган Қўйибеков номли, Карл Маркс номли, Свердлов номли колхозларнинг пахтакорлари ғалабага муносиб улуш қўшдилар. Карл Маркс номли колхоздан Абдукарим Пардаев, Яхшилик Ховтўраев, Қўйибеков номли колхоздан Бахрихон Этамбердиева, Исомиддин Шарофидинов, Свердлов номли колхоздан Абдулла Аҳмадов, Абдували Рустамов, «Шўрўзак» совхоздан Мусурмон Очиллов, Қўйибековлар бошлиқ илгор бригадаларда ҳосилдорлик 38-45 центнерга етказилди.

Район пахтакорлари ўз имкониятларини чамалаб чиқиб, ялпи хирмонни 50 минг тоннага етказиш мажбуриятини оддилар.

ХОРАЗМ

Богот районидagi Наримонов номли колхоз пахта-

корлари йиллик план бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Давлатга 7170 тонна «оқ олтин» сотилди. Хўжаликда яна 1800 тонна хом ашё тайёрлаш учун қизғин кураш етмоқда.

ФАРҒОНА

Киров райони пахтакорлари йиллик план бажарилганлигини маълум қилишди. Қабул пунктларида 63346 тонна «оқ олтин» етказиб берилди.

Бу меҳнат муваффақиятига «Москва» ва «Искра» колхозлари, «Партия XX съезди», «Бешарқ», Киров номли, «Октябрь 40 йиллиги» ва «СССР 80 йиллиги» совхозларининг азаматлари, айниқса, баракали улуш қўшдилар.

Районда планга қўшимча яна 2000 тонна пахта тайёрлаш учун йилги-терим қизғин давом эттириляптир.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

Хўжайли районидagi Ленин номли колхоз пахтакорлари социалистик мажбуриятларини бажардилар. Хар гектар ердан пландаги 29,7 центнер ўрнига 36 центнердан

лиги Т. Иброҳимов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касеба союзи район комитетининг раиси Т. М. Имомов, район комсомол комитетининг секретари Т. Р. Турпонов.

Бўка райони — район партия комитетининг секретари К. Б. Мамедов, район икрия комитетининг раиси С. Абдужабборов, район агрономат бirlашмаси кенгаширининг раиси Г. Ботиров, райсельхозтехника бошқарувчиси К. Дўсма-тов, район суз хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи А. Абдурахмонов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касеба союзи район комитетининг раиси Н. Абдиев, район комсомол комитетининг секретари С. Султонов.

XXII «ОҚ ОЛТИН» хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 6 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида) Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бун; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан бун.

ФАРҒОНА	0,71	108,30	0,11	35,90
НАМАНГАН	0,65	104,27	0,30	84,04
ТОШКЕНТ	0,66	100,04	0,14	100,85
Сирдарё	0,97	93,03	0,41	105,14
Хоразм	0,36	91,08	0,55	50,31
Андижон	1,01	90,91	0,74	57,36
Сурхондарё	0,82	89,93	0,26	86,34
ҚАССАР	0,80	87,27	0,38	70,30
Бухоро	0,30	83,26	0,06	16,22
Жиззах	0,67	80,16	0,13	78,75
Навоий	0,56	78,18	0,28	43,27
Самарқанд	0,97	75,80	0,15	42,81
Қашқадарё	0,76	56,06	0,57	45,84
Республика буйича:	0,72	88,22	0,32	63,50
Шу жумладан илгичка тоғали пахта:				
СУРХОНДАРЁ	1,45	143,34	0,55	151,44
НАМАНГАН	0,88	106,64	—	—
Бухоро	0,87	70,80	—	—
Қашқадарё	1,33	58,61	1,00	50,28
Навоий	1,01	51,12	0,92	14,53
Республика буйича:	1,35	108,40	0,69	105,84


ҳосил олинб, давлатга 6100 тонна хом ашё сотилди.

Қобил Ҳуманов, Оре Бек-жонов, Султонмурод Ҳасанов, Байрам Қороев, Какиш Аннаевлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 38-40 центнерни ташкил этди. 3 минг тоннадан зиёд пахта агрегатлар бункеридан тўқилди. Бунда Медент Жумаев, Угулнабат Ёрибоев, Бахри Избосаров, Ниязат Алланбергенов ва Турсунбой Нимбетовларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Ўз агрегатлари бункеридан 3,5 минг тонна «оқ олтин» тўқкан Амурдаё районидаги «Партия XXII съезди» колхозини механизаторлари социалистик мажбурият бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Хар бир машина ердимида ўртача 152 тоннадан пахта терилди. Илгор механик-ҳайдовчилардан Қурол Оллабергенов, Файзулла Тлеуов, Реймбой Ёрозибе-тов, Турсунбой Ёрозибе-тов, Турсунбой Ёрозибе-тов бу кўрсаткични 210—240 тоннага етказишди.

АНДИЖОН

Олтинқул районидagi яна икки хўжалик пахта тайёр-



СИРДАРЕ. Ховос районининг «Соҳибкор» совхозини азаматлари пахта тайёрлаш йиллик планини областда биринчи бўлиб, олти иш кунинда адо этдилар. Қашқадарёлик 25 центнерни ташкил этди. Хўжалик заршунослари 35 центнерлик маррани қўлаб меҳнат қилишляптир. Эришилган бу муваффақия-

ятда моҳир механизатор Зийдулла Отабеовнинг ҳам сарматлари ҳиссаси бор. У ҳозиргача ўз агрегати билан 180 тонна «оқ олтин» териб берди.

Суратда: «зангори кема» капитани, социалистик мусобақа ғолиби З. Отабеов.

В. Вторион фотоси (ЎЗТАГ).

КОЛОМБОДА ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА

Коломбода очилган Совет Ўзбекистонидан келтирилган фотосуратлар, расмлар ва халқ ижоди асарлари кўргазмаси Улуг Октябрнинг 68 йиллигига бағишланган. Кўргазмани Шри-Ланка — Совет дўстлиги уюшмаси билан совет маданият маркази Коломбодаги халқ кутубхонасида ташкил қилган.

Шри-Ланка мансабсиз министри Бакир А. Маркар кўргазмани очиб вақтида кутубхонада бўлиб қолди. Улуг Октябр социалистик революциясининг ғалабасини туғайли совет

У Л К А Н ХИРМОН УЧУН

Республика районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 6 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида) Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — мавсум бошидан бун тайёрланган пахта; учинчи устун — шу жумладан машинада терилган пахта.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ			СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ		
БУВАЙДА	120,57	51,01	ЛЕНИН	100,51	144,25
БАҒДОД	112,18	31,33	Ангор	95,78	77,00
РИШТОН	111,29	67,49	Бойсун	95,11	95,48
ОЛТИМАРҚ	109,32	69,08	Ширин	95,00	61,69
ФУРҒЕ	108,72	43,58	Жарқўрғон	93,79	100,69
ЎЗБЕКИСТОН	107,98	31,07	Қўнғирот	92,92	70,81
ЕЗЕВОН	107,72	25,53	Термиз	92,80	83,32
ЛЕНИНГРАД	106,56	47,48	Гагарин	89,15	127,11
ҚУВА	106,55	30,43	Шеробод	85,68	106,75
ОХУНБОЕВ	102,48	11,41	Олтинқул	83,71	42,15
КИРОВ	102,20	30,79	Денов	83,41	42,84
Тошкент	97,49	15,32	Саркосиб	78,72	31,51
Фарғона	86,18	8,64			
НАМАНГАН ОБЛАСТИ			ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР		
ЧОРТОҚ	115,76	61,60	Ленинбод	99,33	107,76
НАМАНГАН	115,09	98,47	Амударё	97,06	81,33
ЯНГИҚўРҒОН	112,86	65,10	Кегейли	92,21	90,38
КОСОНСОЙ	110,92	122,78	Чимбой	90,50	78,26
УЙЧИ	109,34	30,71	Хўжайли	89,45	93,54
ЗАДАРЕ	105,58	100,00	Беруний	88,91	51,30
ТўРАҚўРҒОН	105,06	63,07	Шуманай	85,70	73,49
НОРИН	102,90	108,19	Қўнғирот	82,90	51,52
ПОП	100,35	64,16	Элликкальва	79,89	52,77
Учқўрғон	96,68	101,83	Қораўзак	78,59	87,77
Чуст	91,43	42,93	Тўрткўл	77,75	41,21
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ			БУХОРО ОБЛАСТИ		
ЯНГИЙУЛ	108,93	112,33	Ғийдувон	94,60	12,91
ҒАЛАБА	105,31	137,44	Олот	93,65	27,00
ЧИНОЗ	103,36	85,05	Бухоро	89,35	3,83
ПИСКЕНТ	102,44	94,83	Свердлов	83,44	9,50
УРТА ЧИРЧИК	102,26	103,22	Вобкент	82,71	21,05
КОММУНИСТИК	101,80	117,72	Шофиркон	82,63	5,48
Бўка	99,97	106,60	Қорақул	80,07	28,39
Оққўрғон	98,10	101,88	Пешку	79,28	17,03
Бекобод	87,94	58,15	Ромитан	74,36	26,90
			Когон	62,43	5,75
СИРДАРЕ ОБЛАСТИ			ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ		
ВОРОШИЛОВ	100,95	130,70	Зомин	96,26	61,63
Оқолтин	96,42	105,80	Зарбдор	86,87	84,94
Комсомол	95,44	102,90	Пахтакор	84,97	80,98
Гулистон	94,22	130,55	Октябрь	82,90	84,05
Ильич	92,60	104,47	Дўстлик	81,08	91,86
Бобкут	91,39	105,13	Ариасой	80,03	81,40
Сирдарё	89,08	92,90	Мирзачўл	72,88	72,22
Меҳнатобод	82,25	71,36	Жиззах	70,50	45,81
Ховос	80,25	62,67			
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ			НАВОИЙ ОБЛАСТИ		
ГУРЛАН	118,67	70,27	Навоий	88,03	70,31
ХОНКА	114,01	79,72	Хатирчи	78,75	53,44
ЯНГИБОЗОР	102,45	96,47	Қизилтепа	78,59	11,43
Урганч	89,51	53,43	Навбахор	68,22	32,08
Хазорасп	88,86	23,66			
Шовот	87,24	40,26	САМАРҚАНД ОБЛАСТИ		
Хива	87,19	32,37	Каттақўрғон	89,47	53,40
Янгиерик	80,35	41,57	Пахтачи	86,39	62,24
Богот	79,43	38,48	Пастдарғом	82,87	31,40
Қўшқўлпир	72,69	35,31	Нарпай	80,94	58,20
			Оқдарё	75,18	35,93
			Иштихон	74,94	37,41
			Пайарик	67,73	30,63
			Большевик	66,95	43,48
			Жомбой	58,10	34,02
АНДИЖОН ОБЛАСТИ			ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ		
БАЛИҚЧИ	107,82	75,47	Қарши	78,18	79,65
МОСКВА	105,24	17,39	Китоб	76,48	42,33
КОМСОМОЛ			Яккабоғ	74,51	43,75
ОБОД	104,03	133,94	Қамаш	71,67	31,46
ЛЕНИН	101,12	44,21	Ульянов	71,30	51,00
Олтинқул	99,30	28,37	Косон	65,63	61,45
Бўз	98,51	84,67	Ғузур	64,05	34,51
Избоскан	95,35	54,12	Нишон	63,81	54,86
Андижон	86,52	28,40	Муборак	59,85	62,93
Марҳамат	82,27	50,50	Шаҳрисабз	59,00	23,98
Қўрғонтепа	79,48	86,93	Чироқчи	57,93	22,98
Пахтабод	77,74	46,25	Усмонов		
Хўжабод	76,78	32,10	Юсупов	54,62	37,51
Жалоқудуқ	69,60	45,59	Баҳористон	49,95	47,59

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун Анатолий Карпов билан Гарри Каспаров ўртасидagi матнда 22-партия ўйнади. Утган кунги қариблар учрашувини 42-йорида тўхтатган эдилар.

ОБ - ҲАВО

Синоптикларнинг хабар қилишича, Ўзбекистонда ҳаво ўзгариб туради, йилларнинг 3—8 метрида шимоли-шарқдаги 4—6 даража — иссиқ бўлади, тупроқнинг усти қатлами 2 даражагача совиқди, кундузи 15—17 даража иссиқ бўлади. (ЎЗТАГ).

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
1985-1986 ўқув йили учун
КУНДУЗГИ ТАЙЕРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта мактабни тугатган, ёши 34 дан ошмаган, зарурий меҳнат стажига эга бўлган илгор ишчилар, колхозчилар, Совет Армияси сафидан бўшаб келган ёшлар саноат корхоналари, қишлоқ, транспорт, алоқа, геология-қидирув ва топография-геодезия ташкилотлари, совхозлар, колхозлар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бirlашмалари ва ҳарбий қисмларнинг йўлнамаси бўйича қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун тавсиянома-йўллама камиди бир йил иш стажига эга бўлганларгагина берилади. Ишчи вазирасидagi амалий иш стажини шу корхонада охирги йили ўзлуксиз бир йил бўлиши лозим (шогирд сифатидagi иш стажини тайёрлов бўлимига қабул қилишда ҳисобга олинмайди). Ўқиш учун йўллама олган колхозчилар ҳар бир йил учун шу колхознинг минимум меҳнат кунига эга бўлишлари зарур.

Тайёрлов бўлими қуйидаги факультетлар бўйича тингловчилар қабул қилади: математика, амалий математика ва механика, физика, геология, география (куруқлик гидрологияси), тарих, ҳуқуқшунослик (камиди 2 йил иш стажини билан), ўзбек тили ва адабиёти, журналистика, химия, биология, шарқ филологияси, роман-герман филологияси.